# КИНОЯВИЙ АСАР ҚАҲРАМОНИ ИЖТИМОИЙ-ПСИХОЛОГИК ТИП СИФАТИДА

**М.ШЕРАЛИЕВА**

*Мақолада А.Аъзамнинг “Асқартоғ томонларда” қиссасининг қаҳрамони ижтимоий-психологик тип сифатида таҳлил қилинган. Ёзувчи киноясининг психологик асослари очиб берилган. Асарни М.Муҳаммад Дўст ва Э.Аъзам қиссалари билан қиёслаш асосида А.Аъзамнинг ижодий ўзига хослиги кўрсатилган.*

***Калит сўзлар**: киноя, ижтимоий-психологик тип, идеаллаштирилган “мен”, мавжуд “мен”, ҳақиқий “мен”.*

*В статье герой повести А.Агзама “Аскартог томонларда” рассматривается как определеный социально-психологический тип. Обнаружены психологические основы иронии писателя. Путем сопоставления данного произведения с повестями М.Мухаммад Доста и Э.Агзама, выявляется творческая индивидуальность А.Агзама.*

***Ключевые слова**: ирония, социально-психологический тип, идеализированное “Я”, наличное “Я”, подлинное “Я”.*

*In this article the hero of the essay "On Asqartog mountains" written by A. A'zam is analyzed by the author of the article as a definitely social and psychological type. Comparing this essay with the essays written by M.Muhammad Dost and Erkin A'zam the author tries to depict the creative peculiarities of A.A'zam.*

***Key words:*** *irony, social and psychological type, idealized 'I', existing 'I' and real 'I'.*

Эркин Аъзамнинг "Жавоб" қиссасидаги Нуриддин Элчиев ва Мурод Муҳаммад Дўстнинг "Истеъфо" қиссасидаги Эломонов кўп жиҳатдан, аниқроғи, ижтимоий-психологик тип сифатида муаллифлардан бир қадар узоқроқ қаҳрамонлардир. Ҳар икки қиссанинг бошланиш қисмида муаллиф киноясини қаҳрамон билан китобхон ўртасига чегара қўйиб қўяди. Воқеликка ва ўз-ўзига киноявий муносабат асар давомида қаҳрамонларни аста-секин муаллиф позициясига яқинлаштира боради.

Элчиевнинг касалхонага тушиб қолиш воқеаси қаҳрамондаги қайта ижтимоийлашиш жараёнига туртки вазифасини ўтайди. Айнан шу воқеадан кейин Элчиев ўз ҳаётини сарҳисоб қилиб, ҳаётий позициясини ўзгартириш заруратини ҳис қилди. "Истеъфо"да ҳам шунга ўхшаш ҳол кузатилади: Эломонов беихтиёр ўз ҳаётини иккига – истеъфогача ва истеъфодан кейинги даврга бўлиб таҳлил қила бошлади. Ташқи ҳаётидаги муҳим бир воқеа туфайли қаҳрамонларнинг ички олами, руҳиятида жиддий ўзгаришлар содир бўлади. Қаҳрамон гўё иккига бўлиниб кетади-да, битта "мен"и ўзини четдан кузатиб баҳо берса, иккинчиси гоҳ ўзини ҳимоя қилади, гоҳо ноиложликдан, чорасизликдан эзилади. Натижада тилга олинган ҳар икки қиссанинг қаҳрамонларидаги бўлиниш уларнинг ўз-ўзига бўлган киноясини асослайди.

Аҳмад Аъзамнинг "Асқартоғ томонларда" қиссасида эса бошданоқ деярли муаллиф даражасида туриб фикрлаётган қаҳрамон билан юзма-юз келамиз. Асар қаҳрамони Маҳди Ашрапов ҳаётида ҳеч қандай фавқулодда ҳодиса ёки кескин ўзгариш рўй бергани йўқ. Қаҳрамон ички оламидаги ўзгаришлар унинг босиб ўтган ҳаёти давомида йиғилиб келган сезимлар, руҳиятининг қай бир бурчига кўмилиб ётган кечинмаларнинг аста-секин юзага қалқиб чиқиши натижасида содир бўлади. "Жавоб" билан "Асқартоғ томонларда" қиссаларининг бошланишидаёқ ана шу фарқ кўзга ташланади. Э.Аъзам ўз қаҳрамони ҳақида: "*Бу одам бирдан ўзгарди...*" деб ёзади. Аҳмад Аъзам қаҳрамонини эса ўзидаги деярли доимийга айланиб бораётган ҳолат ўйлантиради: *"Йў-ўқ, турмушимдан кўнглим тўлмай, ҳаётдан норозилигим ё ишларим юришмай, шу яшаётган жойимда ножойлигимдан эмас, тушунтиришим қийин..."*[1.6] Кўринадики, Маҳди Ашрапов ўз турмушидан норозилиги ортиб бораётган, яшаётган жойида ножойлигини англаб қолган Нуриддин Элчиевдан фарқланади. Аксинча, у ўз турмушидан рози, ҳаётда муносиб ўринни эгаллай олган. Шу билан бирга уни "Жавоб"нинг бошқа бир қаҳрамони – ҳаммага, ҳамма нарсага манфаат нуқтаи назаридан қарайдиган Ҳайдар Самадович типидаги кимсаларнинг тоифасига ҳам киритиб бўлмайди.

А.Аъзам нафақат ўзидан катта авлод, балки ўзи мансуб бўлган авлод вакилларида, ўз тенгдошларида ижтимоий-психологик типлар ҳақида муқимлашиб улгурган тасаввур чегараларидан ҳам чиқиб, киноявий параллел қўйилган образлар доирасини янада кенгайтирди. Маҳди Ашрапов ғолиб ҳам, мағлуб ҳам эмас. У ҳаётда ўз иқтидори, имкониятларига мос мақомга эришган. Бу йўлда кимнидир йиқитиши, кимнингдир манфаатларига тўқнашишига зарурат бўлмаган. Сиртдан қаралганда, Маҳди Ашраповнинг ҳолати ижтимоий-ахлоқий нуқтаи назардан меъёрдаги ҳолат бўлиб кўринади.

"Асқартоғ томонларда" қиссаси – инсондаги "мен"ларнинг ўзаро муносабати ҳақидаги асар. Навоийдан келтирилган эпиграф ҳам қиссанинг айни хусусиятига ишора қилади: "Ўз вужудингға тафаккур айлагил, Ҳарне истарсен – ўзингдан истагил..." Маҳди Ашрапов атрофдагилар билан ўзаро муносабатларини таҳлил қилар экан, ўзини ва ўзгани англашда бир поғона юқори кўтарилади, унинг ўзи ва ўзга ҳақидаги илгариги ва ҳозирги тасаввурлари ўртасида фарқ, баъзан эса зиддият пайдо бўлади. Бу ҳолат ўз навбатида қаҳрамоннинг ***ўз "мен"***ини қандай идрок этиши билан боғланади, қаҳрамонни ўйлантирган барча муаммоларнинг илдизи унинг ***ўзи***га бориб тақалади. Натижада қаҳрамон ўз вазиятининг ижтимоий-ахлоқий нуқтаи назардан меъёр бўлолмайдиган томонларини ҳам кўра бошлайди. Ёзувчининг маҳорати шундаки, китобхон бошда меъёр ҳисобланган ҳолатни кузатиб бориб, қаҳрамонга бутунлай бошқа томондан қарай бошлаганини сезмай қолади.

Қиссанинг бошланишидаёқ муаллиф ижтимой-маънавий, руҳий жиҳатдан ўзига яқин қаҳрамонни танлаганлиги, ровий ҳам китобхонга худди ўз-ўзига гапиргандек самимий, ўз кўнглини очиқ-ошкора намойиш қилиши бежиз эмас. Муаллифдаги бўлиниш қаҳрамонда акс этганидек,

қаҳрамон орқали китобхонда ҳам бўлиниш содир бўлади. Бунинг натижасида эса китобхон тафаккури сунъий қолиплар чегарасидан чиқади, унда ҳаётга, одамларга ва ўз-ўзига муносабатни қайтадан кўриб чиқиш истаги пайдо бўлади.

Жамият кишилари онгидаги ижтимоий-ахлоқий меъёрлар билан улар реалликда амал қиладиган қонун-қоидалар ҳамиша ҳам мувофиқ келавермайди. Баъзан ижтимоий адаптация жараёнида инсон ўзининг меъёр ҳақидаги тасаввурлари, талабларидан чекиниб, ҳаётнинг ёзилмаган қонунлари билан муроса қила бошлайди. Бу ҳолда ижтимоий-ахлоқий меъёрлар ва ўзи воқеликда амал қилаётган қоидалар ўртасидаги номувофиқликни инсон реал ҳаётда эмас, ўз онгида ҳал қилишига тўғри келади – ижтимоий-ахлоқий меъёрларни ўз ҳаётига мослаб сохталаштира бошлайди. Яъни, ўз қилмишларини меъёрга мослаш ҳақида қайғурмайди, аксинча, меъёрни ўз қилмишларига мослаб талқин қила бошлайди (рационализация). У энди *ҳақиқий "мен"*идан ва чинакам ижтимоий-ахлоқий меъёрлардан узоқлаша боради, унда бошқа "мен" – реалликка мослашган *мавжуд "мен"* ҳамда меъёрдан чекинмаганлик иллюзиясидан иборат *идеаллаштирилган* (сохта) *"мен"* юзага келади [2].

Идеаллаштирилган "мен" аслида реалликда мавжуд бўлмаган, инсон онгидаги образ бўлиб, у ижтимоий-ахлоқий меъёрларни сохта талқин қилиш, улардан фақат биттасини мутлоқлаштириш, чегаралаш ёки атайин тор тушуниш орқали яратиб олинади. Бошқача айтганда, идеаллаштирилган образ сохта идеал асосида юзага келади. Сохта идеал эса мавжуд шарт-шароитлар билан ҳисоблашган, уларга мослашган ҳолда идеал талабларини танлаш ва амал қилишни англатади. Бу ўринда мавжуд ҳолатнинг нобоп жиҳатларига қарши қўйилган (ҳақиқий) идеал билан ана шу нобопликларга мослашиш, улар билан келишувга бориш асосида танланган (сохта) идеални фарқлаш керак бўлади. Инсон нобоп шароитга мослашганлигини (мавжуд "мен"и) ҳақидаги тасаввурни онгли ҳаётидан қуйига – онг остига тушириб юборади, ўзини фақат идеаллаштирилган образ ҳолида кўради. Идеаллаштираётганидан бехабар ҳолда ўз ҳолатини меъёр деб ҳисоблайди. Демак, инсон онгидаги идеаллаштирилган образ ўз ижтимоий-ахлоқий меъёрларидан чекинмаганлик иллюзиясидан бошқа нарса эмас. "Асқартоғ томонларда" қиссасида мавжуд "мен"нинг юқорига – англанган қатламга қалқиб чиқиши содир бўлади. Идеаллаштирилаётган образ ва мавжуд "мен" ўртасидаги номувофиқлик қаҳрамонда ҳар иккисига нисбатан ҳам киноявий муносабатни юзага келтиради: идеаллаштирилган образ сохта бўлганлиги ва аслида мавжуд эмаслиги туфайли, мавжуд "мен" эса меъёрга мос бўлмаганлиги учун инкор қилинади. Ҳар иккаласининг ҳам инкор этилиши қаҳрамонда ҳақиқий "мен"нинг қайта уйғониши, унинг руҳиятида бўлса-да, фаоллашиши билан содир бўлади.

Маҳди Ашрапов, бир томондан, ўз турмушидан рози, икинчи тарафдан, унда шу яшаб турган ҳаётига сиғмайдиган нимадир истак бор: "...*мудом нималарнидир қўмсайман,аллақаёқларга кетгим, ўша ёқларда ўзимга ҳам номаълум ишларни қилгим, бу ишлардан кўнглим тўлиб, кўкрагимни мундоқ бемалол кўтариб юргим келаверади,* лекин ҳеч қаёққа кетмайман, бирон нарса тўғаноқ бўлганидан, кетолмаслигимдан эмас, ўзим, ўзим кетмайман..." [1.6]. Демак, қаҳрамондаги бўлиниш анча илгаридан бошланганки, ёзувчи бунга асар бошиданоқ урғу беради. Қаҳрамоннинг ўз-ўзига ва воқеликка киноявий – иккиёқлама муносабати ана шу бўлинишга асосланган.

Идеаллаштирилган образ мавжуд "мен"ни пардалайдиган қобиқ бўлиб, атрофдагилар бу қобиқни Маҳди Ашраповнинг асли деб қабул қилишади. Идеаллаштирилган образни қаҳрамоннинг ҳақиқий "мен"идан фарқлаб олиш қийин, чунки қаҳрамон сиртдан қараганда ўзлигидан кечмагандек, асл ҳолида қолгандек, ўзи маъқуллайдиган ижтимоий-ахлоқий меъёрларга амал қилишда давом этаётгандек таассурот қолдиради. Аслида эса, юқорида айтиб ўтганимиздек, ижтимоий-ахлоқий меъёрлар қаҳрамоннинг ҳаётий позициясига мослаб талқин қилинган, моҳияти торайтирилган бўлади. Маҳди Ашрапов тўғри яшашни фақат ўзнинг тоза қолишидан иборат деб билиши, фаолият доирасини чегаралаб олганлиги, *кичкина одам* вазиятини меъёр (*"жуда тўкин-сочин бўлмаса-да, ҳар тугул,бошқалардан кам йўқ турмуш*") ҳисоблаши фикримизнинг далили бўла олади.

"Жавоб"даги Нуриддин Элчиевга қиёслаганда, Маҳди Ашраповнинг вазияти сира кичкина одамникига ўхшамайди. Уни ҳеч ким камситгани, ҳақорат ҳам қилгани йўқ. Таъбир жоиз бўлса, у бошқа, ўзига ўхшаган кичкина одамлар дунёсидаги, улар қатори кичкина одам. Абитуриент Маҳди Ашрапов билан доцент Маҳди Ашраповнинг вазиятини қиёслаш ҳам фикримизнинг далили бўла олади.

Қаҳрамон ўзининг ўқишга кириб қолишини мутлақо тасодиф деб билади. Ҳақиқатан ҳам, адабиётни севган, "йиқитиш у ёқда турсин, "тўрт" қўйиш ҳам ноинсофлик" бўладиган, аммо ректорнинг алоҳида рўйхатига киритилмаган боланинг ўқишга кириб қолиши тасодифдан бошқа нарса эмас.

Муаллиф киноясиқаратилган тескарилик ҳам шунда: қаҳрамон ўзининг шахс сифатида қадрланиши, юзага чиқишини қўшиқларда куйланган энг адолатли жамиятдаги қонуний ҳолат эмас, бор-йўғи *тасодиф* деб қараяпти. Шу билан бирга, айни ҳолатнинг тасодиф эканлиги ижтимоий муҳит моҳиятидаги *қонуният*ни – қадрланиш учун муносиб бўлиш шарт эмаслигини ҳам англатадики, қуйидаги парча фикримизнинг исботи бўла олади: “Шунда ректор: “Ундоқ бўлса, шу абитуриентни қўшимча қилиб олайлик. Ташлаб кетадигани бор, ҳайдаладигани бор. *Ўқийдигани ҳам кирсин!* Чақиринг!” дебди”[1.15]. Персонаж нутқидаги киноя (“*Ўқийдигани ҳам кирсин!*”) деярли қонуниятга айланиб қолган ҳолатга (“Ўқийдиганлар эмас, ўқимайдиганлар ўқишга киради”) ишора қилади.

Дастлаб ўқишга кирганлар рўйхатида номи чиқмаган қаҳрамонимиз ўзини нақадар ожиз ва нотавон сезади (“Оёқларим қалтираб, бориб девор тагига тўшалган газетага ўтирдим, ичимдан фақат их-их деган йиғига ўхшаган бир товуш келиб, томоғимга тиқилади...”). Агар ўқишга киролмаса, бу адолатсизликка қарши қўлидан ҳеч нарса келмаслигини Маҳди Ашрапов, ожиз ва чорасиз Маҳди Ашрапов жуда яхши биларди.

Доцент Маҳди Ашрапов ҳам факультетдаги ҳолатни – дарс ўтишга нолойиқ ўқитувчилар ва ўқишга лойиқ бўлмаган талабалар муҳитини ўзгартиришда ожиз ва чорасиз. Бу ҳолатдан абитуриент Маҳди Ашраповга ўхшаган қанчадан-қанча қобилиятли кишилар адолатсизлик кўряпти, бу вазиятдан манфаат изламайдиган, уни маъқулламайдиган, бироқ уни ўзгартиришга ҳам ожиз доцент Маҳди Ашрапов адолатсизликларда ўзининг ҳиссаси йўқлиги билангина қаноатланяпти (“... шунча йил *ўзимни тоза сақлаб келдим*... Тангирбой, шунча йилдан бери менинг ҳам бўйнимга ўн минглаб пуллар жалаб хотиндек осилди, тегмадим, бўйнимни бўшатолмай ёнимдагилар бемалол олиб, мени ҳам олсанг-чи, косангни оқартирсанг-чи, деб қисташганда ҳам бўғилишга чидаш бериб келавердим” [1.65]). Ҳар ҳолда инсоннинг умри фақат ўзининг тоза қолиши учун қайғуришгагина сарф бўлмаслиги керак, бу инсон ҳаётининг мазмуни бўлиш учун камлик қилишини Маҳди Ашраповнинг ўзи ҳам яхши англайди. Инсонда катта ишлар қилишга, “*бу ишлардан кўнгли тўлиб, кўкрагини мундоқ бемалол кўтариб юриш”га* арзийдиган, муносиб қудрат бор. Бу қудратни Исрофил экранни ёриб чиқиб кетаётган тоғ кўринишида тасвирлайди – инсоннинг ўзлиги ҳеч бир сунъий қолипларга сиғмайди, агар уни исоннинг ўзи англаб етишга қодир бўлса. Албатта, ўзлигингни намоён этиш, нималарга қодирлигингни амалда исбот қилишга имкон бермайдиган ташқи тўсиқлар ҳам бўлади. Ёзувчи айтмоқчики, ташқи тўсиқларни енгиш учун инсон энг аввало ўзидаги ана шу қудратни англамоғи, унинг йўлига ўзи қўйган тўсиқларни олиб ташламоғи керак. Маҳди Ашрапов эса қўрқади, ҳали ўзи яхши англамаган бу қудрат-тилсимот унинг ҳаётини, яхшими-ёмонми, буткул бошқа томонга ўзгартириб юборишидан қўрқади: “Мен бу *оқим*га тушиб кўришим керак эди, лекин ҳозир ҳам тушишга қўрқяпман, қайтиб чиқолмаслигимдан, қайтиб чиқсам ҳам бутун турмушим, ҳаётим, оилам бузилиб кетишидан қўрқяпман, аввал тушиб кўришим, аввал-бошдан бошқача яшашим керак эди, энди кеч, англамай ўтиб кетдим, билмай ўтиб кетибман, энди билолмайман, билганим тақдирда ҳам *бу тириклигим ўша тилсимотнинг олдида сариқ чақага ҳам арзимай қолади,йўқолиб кетаман*” [1.58].

Маҳди Ашраповнинг дўсти Тангир билан хаёлий баҳслари қаҳрамон онгидаги бўлинишни ифода этиши билан ҳам аҳамиятли. Яъни унинг ўзи кейинроқ тан олиб ўйлаганидек, “Шунча йилдан буён... *борлиғимни икки одамга – гуноҳсиз ва гуноҳкор Маҳдига, саховатли ва таъмагир Маҳдиларга бўлаклаб*, уларни бир-бири билан уриштириб ўтирган эканман”. Бу баҳс моҳиятан иделлаштирилган “мен” ва мавжуд “мен”нинг ўзаро зиддияти эдики, уларнинг баҳсини таҳлил қилиб қаҳрамон аста-секин ўзидаги баҳслашувчи томонлардан – идеаллаштирилган ва мавжуд “мен”дан четлашади, иккисини ҳам инкор этадиган ҳақиқий “мен”нинг нуқтаи назаригача чиқиб боради. Маҳди Ашраповнинг назарида, у яшаётган муҳит “гуноҳкор ва гуноҳсиз”, “саховатли ва таъмагирлар”дан иборат. Қаҳрамондаги тафаккур тарзининг схематиклиги вазиятга бошқа томондан қарашга имкон бермайди: икки қутбдаги кишилар деб ўйлаётгани битта қутбдаги – кичкина одамларнинг кичкина дунёсидаги кишилар эканини, муҳит моҳиятини белгилаётган куч аслида бошқа эканлигини кўришга ҳалал беради.

Маҳди Ашрапов яшаётган муҳитни дўсти Исрофил топиб таърифлайди: “*Кичкина бир дунёда кичкина одамларнинг бир-бирини кавлаб беҳуда яшаши* **кулгили** эмасми? Сен эса шуниям фожиа қиласан. Ахир, дунёга фақат шу мақсадда келмагансан-ку!..” [1.24]. Ҳайрон қоладиган жойи йўқ: кичкина одамнинг душмани ҳам ўзига яраша бўлади – кичкина. Маҳди Ашраповга қарама-қарши қутбдаги образлар – “Бойбўрибий”, Суннатов, Бегалиев ва Ҳақбердининг тутган йўли кичкина одамнинг танлаган йўлидан бошқа нарса эмас. Улар тутган йўл эса шундай: ўз истагингча яшаш имкони йўқ экан, ҳаётдан ўзингга керагини олиб

яшаб қол, давру даврон сур, қолган нарсалар бош қотиришга ҳам арзимайди – ожизлик, чорасизлик билан муроса қилиш эвазига бериладиган мукофот ана шунақа. Ҳам шароитга, ҳам ўз нафсига қул бўлган одам эса икки карра қул демакдир. Ҳақбердининг фамилияси ҳам шунга ишора қилади: “Абдиқулов” – қулнинг қули.

Маҳди Ашрапов эса кичкина одамлиги билан муроса қилиш эвазига бошқачароқ “мукофот” оляпти – у ўз-ўзини идеаллаштириш билан қаноатланяпти, холос (яна Исрофилнинг гапини эслаймиз: “*Жуда ғалати худбинлик*”). Киноядаги нисбатан кўпинча шафқатсиз, аёвсиз каби сифатлашларнинг қўлланилиши бежиз эмас. Унда одамнинг астар-аврасини ағдариб, суянган таянч нуқтасини жойидан силжитиб юборадиган, ишонган асослари пуч эканини худди юзига ойна тутган каби кўрсатиб қўядиган хусусият бор. Маҳди Ашраповнинг ҳаётий позицияси ҳам бор-йўғи *ғалати худбинликдан* иборат экан, холос. Исрофилнинг: “*Ўзингни минг хил нарсаларга боғлаб қўйгансан, худди учиб кетишдан қўрқадигандай.* Қанақадир одамлар, қанақадир муносабатлар...” дейиши бежиз эмас. “Бойбўрибий”, Суннатов, Бегалиев ва Ҳақбердилар дунёси, улар билан муносабатлар Маҳди Ашраповга ўзининг идеаллаштирилган образи қобиғига ўралиб олиши учун ҳам зарур. Улар бор экан, қаҳрамонимизнинг тўғри ва ҳалоллиги бурч эмас – фазилат, бирёқлама позицияси меъёр бўлиб кўринаверади.

Киноявий модусдаги асарнинг муҳим хусусиятларидан бири шундаки, муаллиф, қаҳрамон ва китобхон – ҳар учаласи ҳам киноя объекти, яъни номукаммал воқеликнинг ажралмас бир қисми эканлиги бутун асар мазмунидан англашилиб туради.“Асқартоғ томонларда” қиссасининг охирига бориб Маҳди Ашрапов “биз” номидан гапира бошлайдики, қаҳрамоннинг воқеликка кинояси билан ўз-ўзига киноя ўртасида чегара қолмайди. “... қочган ҳам, қувлаган ҳам битта – ғолибият қўшиғини айтади, “Бойбўрибий”нинг ёнидагилар ҳам *умум ишини яхшилаймиз, деб хониш қилади, биз ҳам умум ишини яхшилаймиз, деб ашулани варанглатамиз, улар ҳам ҳақиқатнинг пардаларига тушяпмиз, дейишади, биз ҳам ҳақиқат куйига ўйнаяпмиз, деймиз* – ҳақиқатнинг ўзи қаерда чалиняпти?” [1.99]. Бу ўринда “*биз*” фақат Маҳди Ашрапов ва унинг атрофидаги кишилардангина иборат эмас. Ровий нутқидаги *“биз”*нинг қамрови жуда кенг – нафақат қаҳрамон, муаллифнинг ўзи ва китобхон ҳам киноя объектига айланади, номукаммал воқеликнинг ажралмас бир қисми эканлиги таъкидланади. Бошқача айтганда, ижтимоий муҳитнинг айни ҳолати учун айбдор ва жавобгар бўлмаган томоннинг ўзи йўқ, айбдорлар ҳам, уларнинг “айб”ини индамай кузатиб турганлар, яъни “*устидан шиша қалпоқни бостириб олиб, менга гард юқмайди, деб умид қиладиганлар*” ҳам – барча бирдек айбдор ва жавобгардир, деган хулоса келиб чиқади.

Бутун асар контекстида қаралса, Шоди аканинг гўяндалик қилиб айтганлари шунчаки баландпарвоз гапларгина бўлиб қолмайди, асосий масала билан боғланиб, унинг моҳиятини очишга кўмаклашади. “...жўралар-ов, *баландда туриб ҳам ўзини кўрмаган қанча, пастда юриб ҳам баланддан қараётган қанча, жўралар, дунёсининг усти паст, пасти – уст-ов, одамзоддан баланди йўқ,* ўша баландларга ўлмай етайлик, умидимизни етим қўймасин, одамзодга азобидан баланд сабот берар экан...” [1.38].

Одам ўзидан, аслидан кечиш билан “дунёси”да баландлаб бориши, ўзини баландда ҳис қилиши мумкиндир, аммо кўнгилнинг Асқартоғидан узоқлашиб, пастлаб бораётганидан бехабар қолади (“*пастда юриб ҳам баланддан қараётган қанча, жўралар*”). Ўз асл “мен”ининг қадрини билмаган эса “*баландда туриб ҳам ўзини кўрмаган*” бўлиб чиқади. Шунинг учун ҳам Шоди аканинг таърифида “*дунёсининг усти паст, пасти – уст-ов, одамзоддан баланди йўқ*”. “Одамзоддан баланди йўқ”лигини энг аввало ҳар бир инсоннинг ўзи англаб олмоғи керак. Асардан келиб чиқадиган муҳим хулосалардан бири ҳам шу.

## Адабиётлар:

1. Аъзам А. Асқартоғ томонларда. – Т.: Ёш гвардия, 1989.

2. Хорни К. Наши внутренние конфликты. – М.: Академический проект. – 2007.// http://www.psychol-ok.ru/lib/horney/nvk/nvk_01.html.

3. Пеха М.П. Проблема характера в современной иронической прозе (Ф.Искандер, В.Токарева, В. Шукшин). Автореф. дисс. на соиск… канд. филол. наук. – Одесса, 1992. – 16 с.

4. Эшонқул Н. Ўзига ўзи гапираётган одам // ЎзАС.- 1999.- 2 июль.

*Андижон давлат университети,*
*2013 йил 15 апрелда қабул қилинган*
*(Тақризчи: проф. Д.Қуронов)*